

2025 йил 25-сентябр

## Ўзбекистон ва Жанубий Корея кимё саноати соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамламоқда



Жанубий Кореянинг Дежон ва Еосу шаҳарларида KOICA (Корея Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги) томонидан ташкил этилган “Kor-UZ” қўшма илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон кимё саноатининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда Ўзбекистон Кимё Технологиялари Марказини (UzCCT) янада ривожлантиришга қаратилди.



Семинарда Ўзбекистон ва Жанубий Корея олимлари томонидан кимё соҳасида 6 та илмий-техникавий маъруза тақдим этилди. Икки томон ҳам замонавий ишланмалар ва технологиялар бўйича тажриба алмашиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, иштирокчилар KRIST илмий лабораторияларига ташриф буюриб, замонавий ускуналар билан танишдилар ва уларни қўллаш имкониятларини ўргандилар.



Шунингдек, семинар доирасида KOICA грант дастурлари асосида Жанубий Кореяда таҳсил олаётган магистр ва PhD талабалар билан учрашув ҳам ташкил этилди. Мулоқот давомида UzCCTнинг истиқболдаги фаолияти, ёш тадқиқотчиларнинг марказдаги ўрни ва уларнинг билим ҳамда тажрибаларини мамлакатимиз саноатини янада ривожлантиришга йўналтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу тадбир икки мамлакат ўртасида кимё соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва илмий-тадқиқот соҳасида янги имкониятларни очишда муҳим қадам бўлди. Келажакда ҳамкорликнинг янада ривожланиши Ўзбекистон кимё саноатининг халқаро майдонда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

## Comparative mineral composition of granite types

| Minerals   | White | Yellow | Orange | Red  |
|--|-------|--------|--------|------|
| Quartz $\text{SiO}_2$  | 38.1  | 43.7   | 32.3   | 34.1 |
| Feldspar ( $\text{KAlSi}_3\text{O}_8$ )  | 28.0  | 23.6   | 26.2   | 30.9 |
| Albite $\text{NaAlSi}_3\text{O}_8$   | 28.7  | 21.1   | 31.6   | 24.7 |
| Chlorite<br>( $\text{Mg, Fe}$ ) $_3$ ( $\text{Si, Al}$ ) $_4\text{O}_{10}(\text{OH})_2 \cdot (\text{Mg, Fe})_3(\text{OH})_6$ | 0.5   | 2.0    | 2.0    | 1.1  |
| Muscovite [ $\text{KAl}_2(\text{AlSi}_3\text{O}_{10}(\text{F, OH})_2)$ ]   | 4.6   |        | 0      | 9.2  |
| Calcite $\text{CaCO}_3$  |       |        |        | 0.6  |

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzbekiston-va-zhanubiy-koreya-kimyo-sanoati-sohasida-hamkorl>